



LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят Фарғона шаҳар 150100, Б.Марғиновий 147 – 4 офис
Тел: моб (91) 651 80 13 (94) 448 20 60 (95) 400-80-13 Факс: (0373) 241 64 48 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru
Лицензия АФ № 00327 Ўз.Рес. Молия Вазирлиги томонидан 25.02.2008 йилда берилган

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА**

Хулоса санаси. 30 апрел 2018 йил

**“ИРАКШИ FAYZ TONG SAVDO KOMPLEKSI”
А/Ж раҳбариятига**

Манзил: “ИРАКШИ FAYZ TONG SAVDO KOMPLEKSI” А/Ж. Марғилон шаҳар
Б.Марғиновий куча 32 уй. Қишлоққурилиш банк . Х/р 20208 000 400 547 688 001. МФО 00527. ИНН
303 677 089. ОКЭД 68202 (аренда ва нотурар жой бошқариш)

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили:
150100, Фарғона шаҳри Б.Марғиновий-147 уй, ХАБ “TRAST BANK”. х/р 20208000100921886001,
МФО 01123, ИНН 202216926, ОКЭД 69.20.2, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудда барча хўжалик
юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ
№ 00327-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр
билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош директори бош аудитор САР Ботиров М.Х. томонидан
(Аудитор малака сертификати № 05052 28.08.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган)
хўжалик юритувчи субъект “ИРАКШИ FAYZ TONG SAVDO KOMPLEKSI” акциядорлик
жамияти томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси” Ф-1, “Молиявий
натижалар” Ф-2, “Хусусий капитал” ва “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисобот шаклларида иборат
2017 йил 01 январидан- 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини
мажбурий тараздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига
мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун
жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу
молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз ИРАКШИ FAYZ TONG SAVDO KOMPLEKSI” акциядорлик жамияти томондан илова
қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий
ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби
тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.


Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ
ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли
даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва
ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган
аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг
мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот
ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган ИРАКШИ FAYZ TONG
SAVDO KOMPLEKSI” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий
ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва
молиявий ҳолатини ҳаққоний аке эттиради.

Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилот бош директори
бош аудитор, САР



Ботиров М.Х.

Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган